
Ўқувчиларимиз ва уларнинг ота-оналари, онлайн таълим ҳамда танловларда ҳам фаолдирлар

Мустақил она ватанимиз аҳолиси бир неча кундирки, каронавирус пандемияси туфайли карантинда уйда қолиб, инфекцияга қарши сабру-матонат билан ҳамжиҳатликда курашиб келмоқда.

Олтин жасорат, халқимиз қон қонига сингиб кетган экан, бугун ана шу маҳорат мактабида ёшу-қари барча ўз соғлиги учун қайғурмоқда. Сабр билан қўп мушкул ишлар осон кўчади, деган хикматни мағзини чақиб боряпмиз.

Мухтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ўз халқини ўйлаб уларни саломатлиги учун бир неча зарурий чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда узлуксиз билим олишларини таъминлаш мақсадида масофавий таълим бериш йўлга қўйилди.



Шу жумладан бизнинг мактабимизда ҳам синф раҳбарлари томонидан, ҳар бир синфлар учун телеграм гуруҳлари очилган. Унда барча фан ўқитувчилари ўқувчиларимизнинг онлайн дарслар юзасидан қизиқтирган саволларига жавоб берib билимларини бойитиб бормоқдалар. Эфирга узатилаётган видеодарслар мазмунли ва қизиқарли берилмоқда. Бундан ўқувчиларимиз ҳам, ота-оналаримиз ҳам жуда мамнундирлар. Ўқувчилар онлайн дарсларни кузатиб бориш билан бирга уйда қолиб, турли хил кўрик-танловларда ҳам иштирок этмоқдалар.

“Биз уйда ҳам спортни танлаймиз” шиори остида мактабимизнинг спортчи ёшлари ўртасида онлайн мусобақалар ташкилланди. Яқинда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази томонидан янги лойиҳа² ёзлон қилинди. Уйда қолиб “Фарзандим билан дарс қиласман” онлайн танловининг шартларини ота-оналар гуруҳига эълон қилдик. Фарзандини тақдирига бефарқ

бўлмаган, дарс ўтишга қизиққан ота-оналар талайгина экан, танловда иштирок этишни истаганлардан ўқитувчилар телеграм гурӯҳига видеодарслар кела бошлади.



Ушбу онлайн танловда иштирок этган, фаол ва ташаббускор ота-оналаримиздан Василахон Ғозиева ўзларининг фарзандлари, мактабимизнинг 4 ва 7-синф ўқувчилари Хаётхон ва Маъсумахон Акбаровалар билан биргаликда танловнинг 2-йўналиши бўйича (7-11-синфлар) 5-номинацияда ғолибликни қўлга киритди. Мазкур ютуқ барча мактаб жамоамизни ва ўқувчиларимизни беҳад қувонтириди.

Вақтинчага бўлсада, уйда қолган баркамол авлод таълим-тарбиясига бефарқ бўлмаган бу каби ота-оналаримиз борлигидан хар қанча фахрлансан арзийди. Бугунги синовли вазиятда уларнинг фидоийлиги, жонкуярлиги таҳсинга лойиқдир. Бундай оиласлар сафи янада кенгайишини истаб қолардим.

Шу ўринда, мана шундай тадбирларни амалга ошириш орқали миллионлаб қора кўзларнинг келгуси порлоқ тақдирини ўйлаб, тиним билмай, уларга масофадан бўлса ҳам имкониятлар яратиб берганлиги учун авваламбор юртбошимизга, шунингдек ҳалқ таълими вазирлигига, Фарғона вилояти ҳалқ таълими бошқармасига ва туман ҳалқ таълими бўлими мутасаддиларига ўз миннатдорчилигимни изҳор қиласман. Бу кунлар албатта ўтгувчидир, биз қалбан биргамиз ва ҳаётимиздаги бундай синовларни албатта сабр-матонат билан енгиб ўтамиз.

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани З-умумий ўрта таълим мактаби директори, ҳалқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати

Наргиза СИДДИҚОВА